

# ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА КЛАСТЕРЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ

Хидиров Темур Қахрамон ўғли

ТДИУ Тармоқлар иқтисодиёти кафедраси 1-босқич таянч докторанти

*Аннотация:* Ушбу мақолада мамлакатимиздаги қайта ишлаш саноати корхоналарида кластерларни ривожлантиришнинг янги стратегик йўналишлари, мамлакатимиздаги иқтисодий кўрсаткичларнинг самарадорлиги ҳамда кластерларни такомиллаштиришнинг янги йўналишларига қаратилган масалалар муҳокама қилинган.

*Калим сўзлар:* кластер, қайта ишлаш, иқтисодий самардорлик, стратегик ёндошув, инновация, технология, такомиллаштириш.

## СТРАТЕГИЧЕСКИЕ НАПРАВЛЕНИЯ КЛАСТЕРНОГО РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ ОБРАБАТЫВАЮЩЕЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

*Аннотация:* В данной статье рассматриваются новые стратегические направления развития кластеров в обрабатывающей промышленности страны, эффективность экономических показателей в стране и новые направления совершенствования кластеров.

*Ключевые слова:* кластер, переработка, экономическая эффективность, стратегический подход, инновации, технологии, совершенствование.

## STRATEGIC DIRECTIONS OF CLUSTER DEVELOPMENT IN PROCESSING INDUSTRY ENTERPRISES

*Abstract:* This article discusses new strategic directions for the development of clusters in the processing industry of the country, the effectiveness of economic indicators in the country and new directions for improving clusters.

*Key words:* cluster, processing, economic efficiency, strategic approach, innovation, technology, improvement.

### Кириш

Мамлакатимизда қайта ишлаш саноати корхоналарини кластер тизими асосида ривожлантириш, уларни қайта ишлаш имкониятларини янада кенгайтириш ҳамда кластер тизимини такомиллаштириш борасида кўплаб ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Шунга қарамасдан, қайта ишлаш саноати корхонларида кластер тизимидан самарали фойдаланишнинг стратегик йўналишлари аниқ эмаслиги бугунги кунда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолардан бири сифатида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан ҳам олиб борилаётган тадқиқотлар доирасида ушбу муаммони ечишга қаратилган илмий тадқиқотлар тўлиқ олиб борилмаган. Чунки, қайта ишлаш саноати корхонларида кластер тизимини самарали ишлаши учун инновацион ечимларга эга бўлган замонавий стратегик ёндошувлар ишлаб чиқилмаган бўлиб, қайта ишлаш саноати корхоналарида замонавий стратегик ёндошувларни ишлаб чиқиш энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бу борада Мухтарам, Президентимиз томонидан

янги ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармони қабул қилинди.

Фармонга кўра, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кластер тизими асосида қайта ишлаш ҳамда кластерларни ривожлантиришнинг замонавий стратегияларини амалиётга татбиқ этишга қаратилган бир қатор устувор вазифалар белгилаб берилган:

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини модернизациялаш, диверсификация қилиш ва барқарор ўсишини кўллаб-қувватлаш учун хусусий инвестиция капитали оқимини кўпайтиришни назарда тутувчи соҳада давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш механизмларини жорий қилиш [1] каби муҳим бўлган вазифалар келтириб ўтилган.

Қолаверса, бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал тараққиётини таъминлаш учун таркибий ислохотларни амалга ошириш, етакчи тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Акс ҳолда нафақат иқтисодиётимиз ривожини, балки миллий тараққиётнинг юксак суръатларини ҳам таъминлаб бўлмайди.[2]

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қайта ишлаш саноати корхоналарида кластерларни ривожлантиришнинг янги стратегик йўналишларини такомиллаштириш масаласи бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор даражада ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили**

Худудларни ривожлантиришда инновацион кластерлашнинг янги стратегик йўналишлари ҳамда агросаноат кластерларини ривожлантиришда стратегияларни бошқаришга қаратилган бир қатор муаммо ва долзарб масалаларни Д.В.Завьялов, О.В.Сагинова, Н.Б.Завьялова [3] ва Ildar Ablaev [4] сингари хорижлик олимлар ўрганишган.

Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларини кластер тизими асосида қайта ишлаш бўйича иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва изчил давом эттириш механизмлари, кластер тизими асосида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, кластерларни ривожлантиришда янги стратегияларни жорий этиш, хусусан қайта ишлаш саноати корхоналарини модернизация ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқариш ҳажмини барқарор ошириб боришнинг ташкилий-ҳуқуқий ва назарий-услубий асослари мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг асарлари ва маърузаларида кенг баён этилган.

Агросаноат кластерларини ривожлантиришнинг янги стратегик йўналишлари, қишлоқ хўжалиги тараққиётида агросаноат кластерларининг тутган ўрни ҳамда кластер тизимида янги инновацион йўналишларни такомиллаштириш юзасидан илмий-тадқиқот ишлари мунтазам олиб борилган,

бунда И.С.Очилов ва Б.К.Абдумуминов[5], Т.Т.Жўраев ва М.Э.Хамидов[6] сингари олимларнинг илмий фаолиятини алоҳида эътироф этиш мумкин.

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот методологияси асосини мамлакатимизда қайта ишлаш саноати корхонарини кластер тизими асосида ривожлантиришга оид қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистон стратегияси” номли китобида таъкидланган иқтисодий тармоқларини модернизация қилиш, қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, кластер тизимидан самарали фойдаланиш ҳамда янги стратегик йўналишларини такомиллаштиришга қаратилган масалалар ташкил этади.

Тадқиқотни амалга оширишда тадқиқот жараёнида мантиқий фикрлаш, статистик таҳлил, кузатув ва қиёсий таҳлил, абстракт фикрлаш ҳамда илмий умумлаштириш каби усуллардан кенг фойдаланилган. Шунингдек, мантиқий, тизимли ва таркибий ёндашувлардан ҳам фойдаланилган.

### **Таҳлил ва натижалар**

Бугунги кунда мамлакатимизда қайта ишлаш саноати корхоналарида кластерларни ривожлантиришнинг янги стратегик йўналишларини жорий этиш ҳамда кластер тизимида инновацион ўзгаришларни янада жадаллаштириш замон талабига айланиб бормоқда. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кластер тизимини ривожлантиришнинг янги инновацион стратегияларини амалга ошириш мамлакатимиздаги қайта ишлаш саноати корхоналарини иқтисодий самарадорлигини юқори даражада ошишини таъминлайди.

Бунинг учун, олиб борилаётган тадқиқот ишимиз доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган бир қатор муҳим аҳамиятга эга бўлган иқтисодий кўрсаткичларни статистик таҳлилларини ўрганиб чиқдик.

Қуйидаги расмда, Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2021 йилнинг январь-март ойларида натура шаклида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми қўйидагича бўлган:

	Маҳсулот номи	Маҳсулот ҳажми	Ўсиш суръати, % да	
	Сабзавотлар	65,7 минг т.	105,0	
	Гўшт (тирик вазнда)	493,2 минг т.	103,5	
	Сут	1 823,3 минг т.	102,6	
	Тухум	1 374,4 млн. дона	100,2	

**1-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 2021 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқариш ҳажми<sup>1</sup>**

Расмдан кўришиб турибдики, 2021 йилнинг январь-март ойларида натура шаклида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми қуйидагича бўлиб, сабзавотлар ишлаб чиқариш 65,7 минг тонна ўсиш суръати эса 105,0 фоизни ташкил этган, гўшт маҳсулотларини (тирик вазнда) ишлаб чиқариш 493,2 минг тонна ўсиш суръати эса 103,5 фоизни ташкил этган, сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1823,3 минг тонна ўсиш суръати эса 102,6 фоизга тенг ҳамда тухум маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1374,4 млн/дона ўсиш суръати эса 100,2 фоизни ташкил этганлиги кўрсатиб ўтилган.

Қайта ишлаш саноати корхоналарида кластер тизимини ривожлантириш бугунги кунда кўплаб иқтисодий омилларга боғлиқ бўлиб, юқорида кўрсатиб ўтилган иқтисодий кўрсаткичларни таҳлили шуни кўрсатадики, қайта ишлаш саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳасида такомиллаштирилиши лозим бўлган бир қатор масалаларни мавжудлигини кўрсатиб бермоқда.

Шунинг, учун ҳам қайта ишлаш саноати корхоналарида кластерларни ривожлантиришнинг замонавий стратегик йўналишларини татбиқ этишга бўлган эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқда. Мамлакатимизда бу борада янги инновацион ташаббусларни жорий этиш ҳамда уларни амалиётга кенг татбиқ этиш, қайта ишлаш саноати соҳасидаги энг муҳим ривожланиш кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

<sup>1</sup> <https://stat.uz>

Бунинг учун қайта ишлаш саноати корхоналарида қуйидаги диаграммада кўрсатиб ўтилган кластер тизимини ривожлантиришнинг замонавий стратегик йўналишларини татбиқ этиш лозимдир. Диаграммада кўрсатиб ўтилган стратегик йўналишлар бугунги кунда қайта ишлаш саноати корхоналарида жорий этилиши муҳим бўлган замонавий йўналишлар ҳисобланади.

**1-диаграмма.**

### Қайта ишлаш саноати корхоналарида кластер тизимини ривожлантиришнинг замонавий стратегик йўналишлари<sup>2</sup>



Диаграммадан кўринадики, ушбу стратегик йўналишлар қайта ишлаш саноати корхоналаридаги кластер тизимини ривожлантиришда янги инновацион йўналишлар бўлиб, улардан тўғри самарали тарзда фойдаланиш қайта ишлаш саноати корхоналарида кластер тизимини такомиллаштиришга ҳамда корхоналардаги стратегик имкониятларни янада кенгайтиришни таъминлайди.

#### Хулоса ва таклифлар

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, бугунги кунда мамлакатимиздаги қайта ишлаш саноати корхоналарида кластер тизимини ривожлантиришнинг замонавий стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш борасида бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларни бартараф этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан олиб борилган татқиқотлар асосида ишлаб чиқилган.

Бунинг учун қайта ишлаш саноати корхоналарида кластер тизимини ривожлантиришнинг янги инновацион стратегик йўналишларини аниқ ишлаб чиқиш, уларни такомиллаштириш ҳамда амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Замонавий стратегик йўналишларни ишлаб чиқиш куйидаги бир қатор омилларга боғлиқ бўлиб:

- кластерлар фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар базасини аниқ жорий этиш;

- кластер тизимини ривожлантириш учун янги бўлимларни ташкил этиш;

- кластерлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган стратегик дастурларни ишлаб чиқиш;

- кластерлар фаолиятини бошқаришда инновацион-консалтинг марказини ташкил этиш;

- кластерлар фаолиятини яхлит тизим сифатида ягона бренд остида бирлаштирадиган “Миллий кластер” корпорациясини ташкил этиш бўйича асосланган таклифларни қонун ҳужжатларига киритишдан иборатдир.

Юқорида келтирилган тавсияларни амалиётга жорий этилиши натижасида, қайта ишлаш корхоналарида кластерларни ривожлантиришнинг янги стратегик йўналишлари жорий этилиши ҳамда корхоналарни юқори даражада иқтисодий ўсишига эришилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони. 2019 йил 23 октябрь.

2. Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон стратегияси”. – Т.: “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. - 464 б.

3. Д.В.Завьялов, О.В.Сагинова, Н.Б.Завьялова “Управление развитием агропромышленных кластеров”, Российский экономический университет им. Г.В. Плеханова, Москва, Россия 2018 йил.

4. Ildar Ablayev “Innovation Clusters and Regional Development”, Research Article: 2018 Vol: 17 Issue: 3, Kazan Federal (Volga Region) University.

5. И.С.Очилов, Б.К.Абдумуминов. Кластер тизимида инновацион самарадорлик масалалари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2019.

6. Т.Т.Жўраев, М.Э.Ҳамидов “Development of agro-industrial clusters in Uzbekistan and their role in agricultural development” International Finance and Accounting: Vol. 2019: Iss. 2, Article.

7. <https://stat.uz>